

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Х.Жўраев	
“Туркистон тўплами” – Россия империясининг Туркистонга аҳолини кўчириш сиёсати тарихини ўрганишда муҳим манба	97
Ш.А.Раҳимов	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати: миллий тажриба ва халқаро ташаббусларнинг объектив зарурияти	101
	ФАЛСАФА, СИЁСАТ
Қ.Назаров, Д.Норматова	
Ўзбек фалсафасининг янгиланиш зарурати масаласига доир	106
Н.О.Сафарова, И.М.Арзиматова	
Форобий ва беруний ижодида ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик ғоялари	109
С.Чориев, Б.Иминов	
Ғарбни таназзулга ботирган ғоя	113
Г.Ж.Туленова, А.А.Мадаминов	
Сиёсий партиялар ва жамиятни демократиялаш	119
Х.О.Шайхова С.С.Хошимов	
Бугунги дунё ва унинг одамлари	122
	АДАБИЁТШУНОСЛИК
А.Ҳамдамов	
Абдулла Орипов шеърларида миллий ҳис-туйғулар талқини	127
Н.Султонова	
Ўзбек адабиётида модификация	130
Қ.В.Юлчиев	
Учликда макон ва вақт категорияси	134
	ТИЛШУНОСЛИК
З. Алимова	
Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган сўзларда маъно ва товуш ўзгариши ҳодисаси	138
И.Расулов	
Рус ва ўзбек фразеологизмларининг семантик структураси	143
Г.Умаржонова	
Замонавий немис ва ўзбек тилларида “hand” – “қўл” фразеологик бирликлар функционал мазмунининг тадқиқи масаласи	148
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Р.Джалилова	
Академик қаламтасвир тарихини ўқитишнинг методологик асослари	152
М.Каримова, Ш.Арипов	
Талабалар ўқув фаоллигини оширишнинг назарий асослари	155
И.Қирғизов, А.Нурмуҳаммаджонов	
Музыка маданияти дарсларида ўқувчиларнинг музыка тинглаш компетенциясини шакллантириш тажрибасидан	158
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
С.ЭВАТОВ	
Тасаввуф таълимотида ваҳдат ул-вужуд назарияси	162
М.Маматов, О.Азимбеков	
Ўзбекистонда сўфейликнинг ҳозирги ҳолати	165
Ф.Дадабаева	
А. Қодирийнинг “ ўткан кунлар” асаридаги ҳаракат тасвирининг олмонча ва русча таржималардаги талқини	167
Х.Убайдуллаев	
Лингвокультурология тарихини ўрганиш хусусида	169
С.Ҳакимжонова	
Ўзбек тилида ҳолат равишларининг услубий хусусиятлари	171
Б.Алимов	
Миллий аудиовизуал тармоқларнинг мамлакат имижини ривожлантиришдаги аҳамияти	174
	БИБЛИОГРАФИЯ
Библиография	179

УДК: 10+100.4,162.6

ЎЗБЕК ФАЛСАФАСИНИНГ ЯНГИЛАНИШ ЗАРУРАТИ МАСАЛАСИГА ДОИР
К ВОПРОСУ О НЕОБХОДИМОСТИ ОБНОВЛЕНИЯ УЗБЕКСКОЙ ФИЛОСОФИИ

Қ.Назаров, Д.Норматова

Аннотация

Мақолада ўзбек фалсафасининг янгиланиш зарурати, бугунги воқеликлар нуқтаи назаридан фалсафанинг истиқолгача даври ортда қолгани, сохта тушунча ва тамойилларга эҳтиёжманд тузум йўқолганлиги, шунинг учун фалсафий фанларни давр талаблари даражасида такомиллаштириш, тадқиқотларни самарали ташкиллаштириш, миллий ўзлиқни сақлаш, халқимизнинг азалий қадриятларини асраб-авайлаш, ахборотлар дунёсида адашиб қолмаслик кўникмаларини шакллантириш тўғрисидаги фикрлар ёритилган.

Аннотация

В статье рассматривается вопрос о необходимости обновления узбекской философии в силу ее отставания, с точки зрения современных реалий, от периода до достижения независимости, а также исчезновения строя, нуждавшегося в надуманных понятиях и принципах. Требуется совершенствование философской науки в соответствии с современной действительностью, а также эффективная координация исследований в области философской науки, сохранение национального самосознания и национальных ценностей.

Annotation

The article considers the need to update the Uzbek philosophy, the epochs of philosophy from the point of view of modern realities, the disappearance of the era of fake concepts and principles, therefore, we need to improve the philosophical sciences in accordance with modern requirements, effective coordination of research, preservation of national values, preservation of the values of our people.

Таянч сўз ва иборалар: янгиланиш, менталитет, тафаккур, тараққиёт, диалектика, категория, қадриятлар, умумфалсафий, маънавият, миллий анъаналар, маданият.

Ключевые слова и выражения: обновление, менталитет, мышление, развитие, диалектика, категория, ценности, общеполитический, духовность, национальные традиции, культура.

Keywords and expressions: update, mentality, thinking, development, dialectics, category, values, general

Хар қандай халқнинг бирор-бир тарихий даврдаги маънавий қиёфасига унга хос фалсафий тушунча ва тамойиллар тизими мос келиши зарурлиги, бу соҳанинг замон ва йжтимоий жараёнлар билан боғлиқ асосий ронунидир. Ҳозирги даврда ўзининг миллий фалсафаси ва тараққиёт моделини ўйғунлаштириш, шу орқали ривожланишнинг янги босқичига кўтарилишга ҳаракат қилаётган калқлар ва давлатлар кўп. Бу борада жаҳон фалсафасида муайян тажриба тўпланган, миллий мактаблар шаклланган.

Кўпчилик мутахассислар ва шу соҳа билан қизиқувчилар “ҳинд фалсафаси”, “юнон фалсафаси”, “хитой фалсафаси”, “инглиз фалсафаси”, “француз фалсафаси” ёки “немис фалсафаси” каби атамаларга ўрганиб ва кўникиб қолганлар. Ушбу фалсафий мактабларнинг ҳар бири умуминсоний масалаларга нисбатан ўзига хос ёндашувлари қатори ўз халқининг бетакрор қиёфаси, миллий анъаналари ва қадриятлари, асрлар давомида шаклланган менталитети ва маънавиятини акс эттириши билан бундай эътирофга сазовор бўлгани шубҳасиз.

Биз учун алоҳида эътиборга молик жиҳати шундаки, қадимдан шаклланган

фалсафа мактаблари орасида аллома боболаримиз асос солган, халқимиз, тарихимизга бевосита дахлдор бўлган кўплаб назария ва таълимотлар, тушунча ва атамалар ҳам бор. Улар асрлар давомида бир бутун “ўзбек фалсафаси” сифатида шаклланган, халқимиз ҳаётининг таркибий қисмига айланган ва не-не тарихий синовлардан, жараёнлардан ўтиб, товланиб келмоқда. Ватанимиз ўтмишида турли номлар билан аталган бундай миллий ғоя ва қарашлар тизими ўзбек халқининг ўтмишидаги умумфалсафий тафаккур тараққиётининг ўзига хос ифодасидир.

Мустақил тараққиёт талаблари ушбу соҳадаги янгиланиш жараёнини жадаллаштирди, фалсафанинг халқимиз танлаб олган тараққиёт тамойиллари билан ҳамқадам бўлиши, ҳаётдаги ислохотлар ва ўзгаришларни акс эттириши зарурлигини давр эҳтиёжига айлантди. “Ўзбек фалсафаси” атамасининг қўлланиш имконияти ҳам мустақиллик шарофати эканлиги, шубҳасиз.

Ушбу йўналишдаги замонавий методологик қарашлар, назарий ва амалий хулосалар туфайли биз бугун фалсафани жамиятда муҳим ўрин тутадиган, халқ ҳаётида

Қ.Назаров – Тошкент иригация институти фалсафа фанлари доктори, профессор.

Д.Норматова – ФарДУ, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

рўй бераётган ўзгаришлар ва амалга оширилаётган ислохотларни ўзида акс эттирадиган, даврнинг талаб ва мезонларига қараб янги-янги имкониятлари очилиб борадиган замонавий фанга айланиши зарурлигини англамоқдамиз.

Фалсафанинг азалий қонуниятига кўра, тафаккурнинг муайян ривожланиш даражасидан бошқасига ўтиши бир кунда рўй берадиган, тез ва осонгина амалга ошадиган жўн ва оддий жараён эмас. Балки, фалсафий фикр тараққиёти ушбу фаннинг ўзи каби вазмин ва тадрижий тарзда, мазкур йўналишда туғиладиган ғоя ва қарашларнинг аста-секин жамият ҳаёти ва инсоният тафаккуридан жой олиш жараёни сифатида амалга ошади. Бу жараёнда бирон-бир масала бўйича тугал фикрлар ва қуйма ғояларнинг шаклланиши, уларнинг замонавий қарашлар ва таълимотлар тизимида ўзига хос ўрин эгаллаши учун муайян давр керак бўлади.

Бугунги воқеликлар нуқтаи назаридан фалсафанинг истиқлолгача даври ортда қолди, сохта тушунча ва тамойилларга эҳтиёжманд тузум йўқолди. Эндиликда нима оқ ва ниманинг қоралиги ҳам аён бўлди. Аслида, масала бунда эмас. Чунки у давр ўтди, унинг фалсафаси ўтмишга айланди. Аммо фалсафанинг ўзи ўзгардимми? У ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида янгиланиб бораётган жамиятимиз манфаатларига хизмат қиладиган, замонга мос, давр билан ҳамнафас ва бугунги ҳаёт талабларига жавоб бера оладиган фанга айлана олдими? Шу соҳада хизмат қиладиганлар, яъни биз ўз тафаккуримиз, ҳаётга ва фанга муносабатимизни бугунги кун талабларига мос тарзда ўзгартира олдикми? Бу борада олиб борилаётган тадқиқотлар ва ҳимоя қилинаётган диссертацияларнинг “фойдали иш коэффициенти” қандай? Уларнинг қанчаси ҳозирги давр талабларига, янгиланаётган жамият эҳтиёжларига жавоб бера олади? Бу муҳим саволлар барчамизни ўйлантиради, безовта қилади, албатта.

Мазкур саволлар билан боғлиқ масалаларнинг бир неча жиҳати борки, айнан улар замонавий ўзбек фалсафаси ва жамиятимизда янги дунёқарашни шакллантиришга муайян таъсир кўрсатади. Бу, аввало, истиқлолгача сингдирилган мафкуравий эврилишлар таъсиридан мутлақо ҳоли бўлиш, шу йўналишдаги инкор ва янгиланиш диалектикасини тўғри тушуниш, фалсафий фанларни давр

талаблари даражасида такомиллаштириш, тадқиқотларни самарали ташкиллаштириш ва илмий кадрларнинг салоҳияти, энг асосийси, бу соҳада хизмат қиладиган кишилар, яъни барчамизнинг дунёқарашимиз ва масъулиятни ҳис қилишимиз билан боғлиқлиги, шубҳасиз.

Шу маънода, “ўзбек фалсафасининг янгиланиши” тушунчаси ниҳоятда серқирра ижтимоий-маърифий ҳодиса бўлиб, у, аввало, тараққиётнинг бир босқичидан иккинчисига ўтаётган мамлакатимиздаги тадрижий ўзгаришларнинг таркибий қисми, миллий фалсафа ривожидagi янги босқич, бугунги даврга хос дунёқараш ва тафаккурдаги такомиллашув, инкор ва янгиланиш жараёнининг ифодасидир. Бу тасодифий ва ўткинчи ҳодиса эмас, балки мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан собитқадамлик билан бораётган халқимиз учун тарихий зарурат, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш, янги авлод кишиларини тарбиялаш ва замонавий тафаккурни шакллантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Диалектик маънода, бу – инкор ва янгиланиш, ворислик ва ўзгариш жараёни бўлиб, унда бир томондан, ўзбек фалсафасида азалдан мавжуд бўлган ва ҳатто не-не истилолар ҳамда собиқ тузум ҳам йўқота олмаган илғор жиҳатларнинг сақланиб қолиши, иккинчидан, яқингинада устувор бўлган кўпгина синфий-партиявий тамойилларнинг ўтмишга айланиб, инкор этилиши ва, учинчидан, халқимиз фалсафий тафаккуридан аста-секин жой эгаллаб бораётган янгиланишлар ўз аксини топмоқда.

Бугунги фалсафий тафаккурдаги инкор ва ворислик жараёни аллома боболаримиз қолдирган бебаҳо мерос ва тарихий ўтмишимиздан бутунлай воз кечиш эмас, балки қотиб қолган ақидалардан, бир ёқлама ва тор қарашлардан воз кечиш жараёнини англатади. Айнан бир ёқламаликдан қутулган кенг қамровли дунёқараш асосидагина ҳозирги янгиланишнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш мумкин. Ўз навбатида, бу – жуда кенг ижтимоий мазмунга эга бўлиб, жамият маънавий ҳаёти, мафкураси, маданияти ва таълим тизимидаги янгиланиш, одамларнинг руҳий покланиши жараёнининг таркибий қисми ҳамдир.

Ҳозирги кунда жаҳон тараққиётининг устувор хусусиятларига айланаётган глобаллашув жараёнлари, кенг миқёсли интеграция, фан-техника ҳамда ахборот технологиясининг беқиёс ривожланиши ҳам

соҳага жиддий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда миллий ўзликни сақлаш, халқимизнинг азалий қадриятларини асраб-авайлаш ва келажак авлодларга омон-эсон етказиш, миқёси ҳар йили икки марта кўпайиб бораётган сон-саноксиз ахборотлар дунёсида адашиб қолмаслик, бу борада ҳам “оқ ва қора”ни ажрата олиш кўникмасини шакллантириш ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ушбу масалаларнинг фалсафани янги босқичга кўтариш эҳтиёжлари нуқтаи назаридан таҳлили соҳа мутахассислари масъулиятини ошириш билан узвий боғлиқ эканлигидан далолат беради. Бугунги кун талабларига мос замонавий фалсафани шакллантириш учун, аввало, мутахассислар дунёқараши, илмий эътиқоди, мақсадлари ўзгариши ва янгиланиши зарурлиги давр талабига айланди. Бу борада ҳам нафақат жамият, балки илм-фан, хусусан, фалсафанинг янгиланиши ўз-ўзидан ва муқаррар тарзда, инсон модернизациясини тақозо этаётгани, шубҳасиз. Шу маънода, аллома Сукротнинг “Ўзгаларни ўзгартирмоқчи бўлган инсон, аввал ўзини ўзгартириши лозим”, деган фикри бежиз айтилмаган.

Бу эса, асл фалсафа ва ижтимоий фанларнинг асосларини ўрганиш қанчалик зарур бўлса, уларнинг бугунги глобллашув, технократлашув ва ахборотлашув жараёнлари билан боғлиқ замонавий масалалари ҳамда долзарб вазифаларини билиб олиш ва эришилган натижаларни ҳаётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилиш ҳам шунчалик муҳимлигидан далолат беради. Фалсафанинг айрим категория ва қонунлари мавҳум бўлиб қолган, дея уни ўрганмай қўйиш ёки ундан фойдаланмаслик хато бўлгани каби, баъзи мутахассисларнинг давр талабларини акс эттирмайдиган, ҳаётдан йироқ тушунчаларга ёпишиб олиши ва бундай позициядан воз кеча олмаслиги ҳам худди шундай янглишиш эканлиги, шубҳасиз.

Кейинги йилларда бу соҳада ҳам кенг имкониятлар очилаётгани, жиддий ўзгаришлар рўй бераётганини барчамиз кўриб турибмиз. Утган йилларда собиқ иттифоқ давридаги ўта мафкуралашган соҳа ўрнига, янги мазмундаги

фалсафий фанлар тизими шаклланди. «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Маънавият асослари» каби янги ўқув фанлари таълим тизимидан жой олди. Бу йўналишда ҳам муайян ишлар амалга оширилди, китоб ва қўлланмалар, ўқув ва ёрдамчи адабиётлар чоп этилди.

Шу билан бирга, ҳалигача “Ўзбек фалсафаси” мавзuida фундаментал тадқиқотлар, китоблар, ўқув ва ёрдамчи адабиётларнинг камлиги, шу номдаги кафедра ёки илмий жамоа фаолиятини йўлга қўйиш, мазкур йўналишдаги ўқув фанини таълим тизимига киритиш, бу бўйича дастурлар ҳамда дарсликлар яратиш зарурати сақланиб қолмоқда. Ҳолбуки, немисларда “Немис фалсафаси” ва ундан ташқари “Кант фалсафаси”, “Гегель фалсафаси”, инглизларда нафақат “Инглиз фалсафаси”, балки “Бекон фалсафаси” ва бошқалар алоҳида, махсус ўрганилади. Француз ва испанларда, греклар ва итальянларда ҳам шундай, у жойларда бунга ҳеч ким ажабланмайди. Аслида ҳам шундай бўлиши, муайян миллат ўз фалсафасини аввал ўзи чуқур ўрганиши, дунёқарашининг асосига айлантириши, сўнгра эса, зарурат бўлса, бошқаларга ҳам тавсия этиши ва тарғиб қилиши мумкин.

Шундай экан, Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлидан собитқадамлик билан бораётган ва ўзига хос тараққиёт дастури – Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошираётган ҳозирги даврда фалсафа соҳасида етук мутахассис кадрлар тайёрлайдиган илм даргоҳларида, “Ғарб фалсафаси”, “Шарқ фалсафаси” бўйича ўқитилаётган фанлар қаторида, “Ўзбек фалсафаси” ёки “Ўзбекистон фалсафаси тарихи” ёхуд “Ўзбекистон фалсафасининг замонавий йўналишлари” каби фанларнинг ўқитилиши давр тақозосига айлангани шубҳасиз.

Бу эса, ўз навбатида, ушбу йўналишда махсус адабиётлар, дарслик ва қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар ва кўргазмали воситалар тўпламларини замон талаблари даражасида тайёрлаш соҳа мутахассислари ва мутасаддиларининг ниҳоятда муҳим ва долзарб вазифаларидан бирига айланишини англаш вақти етганидан далолат беради.

References:

1. Uzbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi. –T.: “Uzbekiston”, 2016.
2. Falsafa: qomusiy lugʻat. –T.: “Sharq” nashriyoti, 2004.
3. Maʼnaviyat: asosiy atamalar lugʻati. –T.: Gʻafur Gʻulom nashriyoti, 2010.
4. Nazarov Q. Uzbek falsafasi. –T.: Uzbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2014.

(Тақризчи: Т.Абдуллаев – фалсафа фанлари доктори, профессор).